

ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ ("МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ МИСОЛИДА)

PhD, доц. Бозоров Руслан

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0008-5022-2441

ruslanhamdamovich@mail.ru

Хидиров Музаффар

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0009-4678-9864

muzaffarxidirov7575@gmail.com

Арслонов Абдуқодир

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0003-4246-1016

abduqodirarslonov@gmail.com

Аннотация. Мақолада "Микрокредитбанк" АТБ мисолида банкнинг молиявий кўрсаткичлари амалий ҳолати, хусусан банкнинг кредит фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили ёритилган. Хусусан, тижорат банкининг активлар ва капитал рентабеллиги, муаммоли кредитлар ҳажми ва улар учун яратилган захиралар миқдори каби кўрсаткичларнинг 7 йиллик динамикаси таҳлил қилинган ҳолда илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, активлар ва пасивлар таркиби, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитлар, кредитлар бўйича захиралар миқдори.

АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА (НА ПРИМЕРЕ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК»)

PhD, доц. Бозоров Руслан

Денауский институт предпринимательства и педагогики

Хидиров Музаффар

Денауский институт предпринимательства и педагогики

Арслонов Абдуқодир

Денауский институт предпринимательства и педагогики

Аннотация. В статье анализируется современное состояние финансовых показателей банка, в частности, показателей, связанных с кредитной деятельностью банка, на примере АКБ «Микрокредитбанк». В частности, научные выводы сделаны на основе анализа 7-летней динамики таких показателей, как рентабельность активов и капитала коммерческого банка, объем проблемных кредитов и размер созданных по ним резервов.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, структура активов и пассивов, рентабельность активов, рентабельность капитала, проблемные кредиты, сумма резервов по кредитам.

ANALYSIS OF FINANCIAL INDICATORS RELATED TO CREDIT ACTIVITIES OF A COMMERCIAL BANK (ON THE EXAMPLE OF JSCB "MICROCREDITBANK")

*PhD, associate professor **Bozorov Ruslan***

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Khidirov Muzaffar

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Arslanov Abdukodir

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Abstract. *The article analyzes the current state of the bank's financial indicators, in particular, indicators related to the bank's credit activity, using the example of JSCB "Microcreditbank". In particular, scientific conclusions are drawn based on the analysis of the 7-year dynamics of such indicators as the commercial bank's return on assets and capital, the volume of problem loans and the amount of reserves created for them.*

Keywords: *financial stability, composition of assets and liabilities, profitability of assets, profitability of capital, problem loans, amount of reserves on loans.*

Кириш.

Жаҳон амалиётидаги мавжуд тажрибаларга кўра, аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлашда ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида иқтисодий субъект сифатида юзага келадиган ресурсларга бўлган эҳтиёжларига асосий молиявий манба бўлиб тижорат банклари кредитлари ҳисобланади. Аксарият хорижий давлатларда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш сўнгги йилларда банк бозорида энг фаол ўсиб бораётган сегментлардан биридир. Хусусан, Россияда кичик ва ўрта бизнес кредит портфели 2023 йилда 29 фоизга ўсган, шунингдек 2021-2023 йиллар учун ўртача ўсиш ҳам 29 фоизни ташкил қилган. Талабни бу даражада ўсиши натижасида, йирик мижозлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кредитлар фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ 2023 йил декабрига келиб 2 фоиздан ошган (Корнев ва бошқ. 2024).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган банк тизимига оид ислохотларнинг асосий мақсади бир вақтнинг ўзида тижорат банклари ва мижозлар молиявий барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсиш барқарор бўлишини таъминлаш, банк ва мижозларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини оптималлаштиришдир. Хусусан, бу борада "... 100 миллион сўмгача микрокредит бор-йўғи 9 фоиз тадбиркорларнинг эҳтиёжи учун етарли эканлиги маълум бўлди. Шу боис, микрокредитлар миқдори 3 карра оширилиб, 300 миллион сўмга етказилади. Бунда кредитнинг 100 миллион сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди. Бу мақсадга бир йилда 10 триллион сўм берилади. ...Энди давлат жалб қилган маблағларни йирик корхоналарга бериш амалиётидан босқичма-босқич воз кечамиз. Бундай маблағларни бериш икки йил ичида камида 40 фоизга қисқаради. Банклар бунинг ҳисобидан камида 30 триллион сўмни хусусий бизнесга йўналтиради. ... Энди гаровдаги мулкни савдога чиқаришдан олдин, унинг ҳозирги бозор қиймати аниқланади, қайтмаган қарздорлик гаров қийматининг 15 фоизидан кам бўлса, ундирув мулкка қаратилмайди. Банк мижозига қарзни бошқа манба ҳисобидан қоплашга имкон беради" каби вазифалар белгилаб берилган (president.uz, 2024). Ушбу вазифаларни бажариш тижорат банкларининг кредит фаолиятини ўрганишга заруратни ошириб, мазкур жиҳатни назарий, амалий ва услубий такомиллаштиришни тақозо этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётда банкларнинг кредит фаолияти билан боғлиқ молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Банк секторининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи банк тизими учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Литун ўз ишларида кўп укладли банк тизими самарали ҳисобланади, дея таъкидлайди ва кўп укладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади (Литун, 2002). Шу билан бирга Литун томонидан Германия, Италия, Австрия давлатларида мавжуд универсал банклар билан бир қаторда кооператив банклар, жамғарма кассалари, ўзаро кредитлаш хўжаликларининг фаолият олиб бориши таъкидлаб ўтилади. Францияда муниципал кредитлаш фондлари жуда кенг тарқалганини, ҳудудий банклар эса Австрияда кенг ривожланганлигини ва улар сони 600 дан ортиқ эканлиги ҳамда ҳар бир ҳудуд маълум бир соҳага ихтисослашганлигини келтириб ўтади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Саттаров, Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида ўз тадқиқотларини олиб борган бўлиб, у “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир” дея фикр билдирган (Саттаров, 2018). Иқтисодчи олим ўз тадқиқотларида асосан банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини ўрганган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирган. Шу билан бирга, Саттаров “барқарорлик” тушунчаси моҳиятини ўрганиб, “барқарорлик” статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараён; “барқарорлик” бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин, ривожланишга қараб интилиш; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги, ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; “барқарорлик” у ёки бу фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини белгилайди, деб таъкидлаган.

Вешкин ва Авагянлар (2018) тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қарашади. Тижорат банклари даромадлари, шунингдек, улар фойдасидан дивидендлар тўлашга қараб банклар молиявий барқарорлигига баҳо бериш бир оз мунозарали ҳисобланади. Сабаби, банк фойдаси улар умумий фаолиятига баҳо беришнинг асосий бир кўрсаткичи ҳисобланади, лекин банклар молиявий барқарорлигини аниқлаш учун уни ташкил этувчи манбаларига асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банкларнинг кредитлаш механизмига таъсир қилувчи молиявий кўрсаткичларини амалий ҳолатини таҳлил қилиш орқали илмий хулосалар шакллантириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Тадқиқот жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда статистик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш, таққослаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Мамлакатимизда 2024 йил 1 декабрь ҳолатида мавжуд бўлган тижорат банкларининг 9 тасида давлат улуши мавжуд бўлиб, “Микрокредитбанк” АТБ банк активлари (24070 млрд сўм) бўйича давлат улуши мавжуд банклар орасида 7-ўринда бўлса, умумий банклар орасида 10-ўринни эгаллаган ҳолда ушбу банк активлари мавжуд тижорат банклар умумий активларининг 3 фоизини ташкил қилган. Шунингдек,

мазкур банкнинг капитали ушбу санада 4829 млрд сўмга тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам мос равишда давлат улуши мавжуд банклар орасида 7-ўринда, барча банклар орасида 10-ўринда бўлган.

Қолаверса, банкнинг кредит фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар бўйича ҳолат 2024 йилнинг 1 декабрь ҳолатида қуйидагича: банк кредитларнинг умумий кредит портфелидаги улуши 3% (17703 млрд сўм) дан иборат; кредит қўйилмаларнинг депозитларга нисбати 239% ни ташкил қилади; муаммоли кредитлар ҳажми 1066 млрд сўмни ташкил қилган ҳолда, у банкнинг жами кредитларини 6,0% фоизига етган ҳолда давлат улуши мавжуд банклар орасида “Бизнесни ривожлантириш банки”дан сўнг 2-ўриндаги салбий натижани қайд этган.

“Микрокредитбанк” АТБ активлар таркибининг қай даражада самарали тузилганлиги ва ундаги асосий даромад келтирувчи актив ҳисобланган кредитлар билан боғлиқ мавжуд бўлган кредитлаш механизмларининг сифати ва бошқа омилларнинг, шунингдек, банк мажбуриятларининг қанчалик манфаатли жалб қилинганлиги ва ундан қай даражада самарали фойдаланилганлигини яқунда кўрсатувчи фаолиятнинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланган активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги сингари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали тадқиқотимизни давом эттирамиз.

Шу боисда кейинги расмда “Микрокредитбанк” АТБ активлар рентабеллигининг сўнгги йиллардаги ҳолати келтирилган.



1-расм. “Микрокредитбанк” АТБ активлари рентабеллик кўрсаткичи, фоизда

Манба: “Микрокредитбанк” АТБга доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-расмдаги келтирилган диаграммага кўра, “Микрокредитбанк” АТБда таҳлил даврининг бошида банк активлари рентабеллиги -5,56 фоизни ташкил этган. Бунга соф фойда (ёки зарар) шаклланишидан келиб изоҳ берадиган бўлсак: 2017 йилда соф фоизли даромад (фоизли даромад-фоизли харажат) 76,7 млрд сўмни ташкил қилганда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолаш 104,1 млрд сўм бўлган ҳолда соф фоизли даромад (йўқотишлар учун захирадан кейингиси) -27,3 млрд салбий қиймат бўлиб шаклланган. Қолаверса ушбу ҳисобот йилида фоизсиз даромадлар 164,2 млрд сўмни ҳамда фоизсиз ва операцион харажатлар йиғиндиси 217,1 (мос равишда 25,6+191,5) млрд сўмни ташкил қилган. Натижада, банкда солиқ тўлангунга қадар фаолият натижаси -80,3 млрд сўм бўлган ҳолда

зарар билан чиққан. Шу сабабли, активлар рентабеллиги мазкур йилда манфий қийматга эга бўлган.

Банкда 2020 йилда активлар рентабеллиги кўрсаткичи таҳлил даврининг энг юқори даражасига чиққан. Бунга сабаб қилиб, мазкур йилда қуйидаги ҳолатларни келтиришимиз мумкин (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2017-2023 йилги молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган таҳлилий жадваллар материаллари):

✓ активлар таркибида мижозларга берилган кредитлар улуши таҳлил давридаги максимални қайд этиб, 81,1 фоизга етган ҳамда қиймати аввалги йилга нисбатан 178,9 фоизни ташкил қилган;

✓ аввалги йилга нисбатан: фоизли даромадлар 194,2% ни (1401 млрд сўм), фоизли харажатлар 216,7% ни (874 млрд сўм), активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолаш 139,0% ни (201,1 млрд сўм) ташкил этган ҳолда соф фоизли даромад (йўқотишлар учун захирадан кейингиси) 187,7% (325,8 млрд сўм)га етган;

✓ шунингдек, аввалги йилга нисбатан: фоизсиз даромадлар 149,1% (323,1 млрд сўм), фоизсиз ва операцион харажатлар 138,1% (525,4 млрд сўм) бўлганлиги ҳисобига солиқ тўлангунгача фойда 1239% (123,5 млрд сўм)га етган ҳамда соф фойда 1462% (100,0 млрд сўм)дан иборат бўлган.

Натижада шаклланган соф фойда миқдорининг банк активларининг ўртача қийматига нисбати 1,24 фоиз бўлган.

Аммо, банкда кейинги йилларда активлар рентабеллиги ижобий шаклланмаган бўлиб, экспертлар тавсия этган 1% лик меъёрдан анча паст даражада бўлган. Хусусан, 2023 йилда кўрсаткич 0,23 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолатнинг шаклланишини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2017-2023 йилги молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган таҳлилий жадваллар материаллари):


➤ фоизли харажатларнинг фоизли даромадларга нисбати 2020 йилда 0,62 ва 2023 йилда 0,77 га тенг бўлган;

➤ активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни баҳолаш ҳажми соф фоизли даромад (йўқотишлари учун захиралардан олдинги)га нисбатан 2020 йилда 0,38 ва 2023 йилда 0,54 ни ташкил қилган;

➤ гарчи фоизли даромадларнинг ўртача активларга нисбати 2020 йилда 17,3% ва 2023 йилда 18,0% бўлган ҳолда ижобий тенденция қайд этилган бўлсада, соф фоизли даромад (йўқотишлари учун захиралардан кейинги)нинг фоизли даромадлардаги улуши 2020 йилда 23,3% ва 2023 йилда 10,6% бўлган ҳолда, уларнинг соф фойдага айланиш даражаси шу нуқтада 2,20 баробар (23,3%/10,6%)га камайган;

➤ қолаверса, фоизсиз даромадларнинг ўртача активларга нисбати 2020 йилда 4,0% ва 2023 йилда 8,3% ни ташкил қилган ҳолда ижобий кўриниш олган бўлсада, фоизсиз ва операцион харажатларнинг жами даромадларга нисбати 2020 йилдаги 61,8% дан ва 2023 йилда 79,1% га ёки ушбу харажатларнинг ўртача активларга нисбати 2020 йилдаги 6,5% дан ва 2023 йилда 12,4% га ошганлиги фоизсиз даромадларни сезиларли (+4,3=8,3-4,0) ошиши ҳисобига шаклланган жами даромадларнинг соф фойдага айланиш даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган;

➤ ва ниҳоят: бир томондан банк активларининг ўртача қиймати 2,21 баробар ошиб 17,9 трлн сўмни ташкил қилган; иккинчи томондан, банкнинг соф фойдаси 2023 йилда 2020 йилга нисбатан 0,41 коэффицентни (41,1 млрд/100 млрд) ташкил қилган ҳолда 58,9 (100-41,1) млрд сўмга камайган. Натижада активлар рентабеллиги даражаси 5,39 баробар (1,24/0,23 ёки 2,21/0,41)га пастга тушган.



2-расм. “Микрокредитбанк” АТБ капитали рентабеллик кўрсаткичи, фоизда

Манба: “Микрокредитбанк” АТБга доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-расм маълумотларида кўринадики, “Микрокредитбанк” АТБда таҳлил даври давомида банкнинг капитали рентабеллиги кўрсаткичи, бугунги кунда меъёр даражаси ҳисобланган 10 фоизлик кўрсаткичга етмаган. Бунинг сабабини эса, юқорида банк активлари рентабеллигини таҳлил қилиш жараёнида аниқланганидек ушбу банкда соф фойда миқдори етарли миқдорда ва даражада шаклланмаган.

Тадқиқотимизни банк молиявий барқарорлига сезиларли даражада таъсир қилувчи кредит фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш билан давом эттирамиз.



3-расм. “Микрокредитбанк” АТБдаги муаммоли кредитларни умумий кредитлардаги улушининг 2017-2023 йиллардаги ҳолати, фоизда

Манба: “Микрокредитбанк” АТБга доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Муаммоли кредитлар бўйича келтирилган расм маълумотларидан кўринадики, банкда уларнинг умумий кредитларга нисбати 2017 йилда 0 га тенг бўлган бу эса ушбу йилда банкда муаммоли кредитлар мавжуд бўлмаганлигини англатади. Аммо таҳлил даврининг сўнгги 3 йилида муаммоли кредитларнинг улуши сезиларли даражага етган.

2022 йилда уларнинг улуши аввалги йилга нисбатан 1 фоиздан ортиқча пасайган бўлсада, 2023 йилга келиб муаммоли кредитларнинг улуши таҳлил давридаги максимум даражасини қайд этган. Бу ҳолат биринчидан, банк молиявий барқарорлигига эришиши учун тўсиқ бўладиган салбий қиймат бўлса, иккинчидан келгусида банкда кредитлаш ҳажмига ва уларни тақдим этиш шартларини енгиллаштиришга албатта ижобий таъсир этмайди. Шу сабабли банк томонидан ушбу кўрсаткични яхшилаш имкониятларини ўрганиш ва тегишли чоралар қўллаш талаб этилади.

Муаммоли кредитлар бўйича ҳолатни аниқроқ тасаввур қилиш учун, ушбу кредитларнинг таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш тўғри бўлади. Шу сабабли “Микрокредитбанк” АТБдаги кредитларнинг сифати бўйича таснифланишига кўра таркибий тузилиши келтирилган қуйида жадвални таҳлил қиламиз.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотлардан кўринадики, 2017 йилда муаммоли кредитлар таркибига кирувчи (қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз) таснифлардаги кредитлар мавжуд бўлмаган бўлсада, аммо субстандарт кредитлар миқдори таҳлил давридаги энг юқори даражасида бўлган. Бу эса ушбу кредитлар учун уларнинг миқдорига нисбатан 10% лик захира қилинишини талаб қилади ва ушбу захира миқдори умумий кредитларнинг 2,62 фоизига тенг. Захиранинг ушбу миқдори: гарчи қайтмаслик rischi анча юқори бўлсада 10,48% қониқарсиз ёки 5,24% шубҳали ёки 2,62% умидсиз кредитлар учун талаб этиладиган захиралаш ҳажмига тенг ҳисобланади. Бу эса, 2017 йилда ҳам банкдаги кредит бўйича мумкин бўлган зарарларни баҳолашга оид захиралаш ҳажми банкнинг соф фойдаси шаклланишига ва унинг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада салбий таъсир ўтказган омиллардан бири бўлган бўлиши мумкинлигини англатади.

1-жадвал

“Микрокредитбанк” АТБ кредитларининг таснифлар бўйича таркибий тузилишининг ўзгариш динамикаси, фоизда

Кредит тоифалари	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Стандарт	73,8%	92,8%	83,9%	80,9%	84,9%	75,9%	69,5%
Субстандарт	26,2%	3,5%	15,5%	18,0%	9,1%	19,3%	24,5%
Қониқарсиз	0,0%	3,7%	0,2%	0,4%	2,2%	0,8%	0,7%
Шубҳали	0,0%	0,0%	0,1%	0,4%	0,7%	2,5%	1,7%
Умидсиз	0,0%	0,0%	0,3%	0,2%	3,0%	1,5%	3,6%
Умумий кредитлар	100%	100%	100%	100%	100%	100%	100%
Муаммоли кредитлар	0,0%	3,7%	0,6%	1,0%	5,9%	4,8%	6,0%

Манба: “Микрокредитбанк” АТБга доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2023 йилга келиб, банкда муаммоли кредитлар ҳажми 6 фоизга етган, ҳамда уларнинг таркибидаги қониқарсиз кредитлар 0,175% ($0,7 \cdot 25\%$), шубҳали кредитлар 0,85% ($1,7 \cdot 50\%$) ва умидсиз кредитлар 3,6% ($3,6/100\%$) жами бўлиб муаммоли кредитлар бўйича умумий кредитларга нисбатан 4,625% ($0,175\% + 0,85\% + 3,6\%$) захиралаш талаб этилган. Бундан ташқари стандарт кредитлар бўйича 0,695%

(69,5*1%) ва субстандарт кредитлар бўйича 2,45% (24,5*10%) булар бўйича жами 3,145% (0,695%+2,45%) умумий кредитларга нисбатан захира лаш керак бўлган. Шундан келиб чиқадики, белгиланган тартибга кўра (Низом, 2015), барча кредитлар бўйича умумий захира лаш талаби 2023 йил якунлари бўйича умумий кредитларга нисбатан 7,77% (4,625%+3,145%) фоизни ташкил қилган. Аммо бугунги кунда аксарият банкларда бўлгани каби “Микрокредитбанк” АТБда ҳам ҳақиқатда шакллантирилган захира лар миқдори яратилиши лозим бўлган миқдор даражасида эмас.

Шу боисдан, яратилган захира лар бўйича ҳолатга баҳо бериш мақсадида тадқиқотимизда келтирилган навбатдаги расмга асосан банкнинг кредитлар бўйича яратилган захира миқдорини умумий кредитларга нисбатини таҳлил қиламиз.



4-расм. “Микрокредитбанк” АТБдаги кредитлар бўйича яратилган захира ни умумий кредитларга нисбатининг 2017-2023 йиллардаги ҳолати, фоизда

Манба: “Микрокредитбанк” АТБга доир 2017-2023 йилларга оид маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ушбу расмдан кўринадики, 2017-2022 йиллар давомида банкда кредитлар бўйича захиранинг умумий кредитлардаги нисбати (жоиз бўлса улуши) 2% дан кам бўлмаган. Тадқиқотимиз аввалида таъкидлаганимиздек, ҳатто 2017 йилда ҳам муаммоли кредитлар бўлмасада, субстандарт кредитларга нисбатан 10% лик захира яратилиши талабини мавжудлиги сабаб деярли ҳисоб-китобларимизга мос келган (2,62% умумий кредитларга нисбатан) захира яратилган бўлиб, ушбу яратилган миқдор яратилиши лозим бўлган миқдордан стандарт кредитларга нисбатан яратилиши лозим бўлган (0,738% умумий кредитларга нисбатан) миқдоргагина камдир.

Ушбу кўрсаткичнинг таҳлил давридаги энг юқори қиймати 2022 йилда қайд этилган ҳолда 2,66 фоизни ташкил қилган. Аммо 2023 йилга келиб мазкур кўрсаткич 1,57 фоизга (-1,09=1,57-2,66) тушганда умумий кредитлар ҳажми 8,4 фоизга ошган. Бундан шуни англаш мумкинки, кредитлар бўйича яратилган захира миқдори қолдиғи ҳам сезиларли даражада камайган. Хусусан, 2022 йилдаги 354,2 млрд сўмлик захира миқдори 2023 йилда 225,9 млрд сўмдан иборат бўлган ҳолда, аввалги йилга нисбатан 63,8% ни ташкил қилиб, унинг қолдиғи 31,2% га камайган. Бу ҳолат 2023 йилда соф фойданинг ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларини кескин камайиб кетишини ёки бўлмаса уларнинг манфий ҳолатда бўлишини олдини олиш нуқтаи назаридан яхши ҳолатдир.

Лекин муаммоли кредитлар 6% (таҳлил давридаги энг юқори даражаси) га етган ва кредитлар бўйича яратилиши лозим бўлган миқдорнинг умумий кредитларга нисбати 7,77% ни ташкил қилган вақтда захиранинг камайиши банкнинг келгуси давр фаолиятига ва молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи юзага келадиган рискларни олдини олиш ва камайтириш имкониятини пасайтириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

✓ халқаро тажрибага кўра, тижорат банкларида активлар рентабеллиги 1 фоиз ва капитал рентабеллиги 10 фоиз бўлиши нормал ва ижобий ҳолат ҳисобланади. Мазкур меъёрни ва “Микрокредитбанк” АТБнинг таҳлил даврида банк капитали ўртача қийматининг активлар ўртача қийматига нисбати 17,1% дан 26,1% гача оралиқда бўлганлиги ҳисобига ушбу нисбатнинг ўртачаси 22,3% эканлигини инобатга олиб, қуйидагича фикр шакллантиришимиз мумкин:

1. Агар банкда 1 фоизлик активлар рентабеллигига эришилганда, капитал рентабеллиги даражаси 4,48 фоиз ($1/22,3 \cdot 100\%$) атрофида бўлади;

2. Агар банкда 10 фоизлик капитал рентабеллиги шаклланса, активлар рентабеллиги 2,23 фоиз ($2,23/100 \cdot 100\%$) ни ташкил қилади.

Юқоридаги икки ҳолатдан келиб чиқадики, “Микрокредитбанк” АТБ рентабеллик кўрсаткичларни ўзаро нисбатини халқаро тажрибага мувофиқ бўлишига эришиш учун: биринчидан, банк пасивларини ундаги мажбуриятларни улушини 90% га етгунча ресурслар жалб қилиш орқали оширишга тўғри келади; иккинчи томондан банкда соф фойдани шаклланиш жараёнини тартибга солиш зарур.

✓ бугунги кунда аксарият банкларда бўлгани каби “Микрокредитбанк” АТБда ҳам ҳақиқатда шакллантирилган захиралар миқдори яратилиши лозим бўлган миқдор даражасида эмас.

✓ муаммоли кредитлар 6% (таҳлил давридаги энг юқори даражаси) га етган ва кредитлар бўйича яратилиши лозим бўлган миқдорнинг умумий кредитларга нисбати 7,77% ни ташкил қилган вақтда захиранинг камайиши банкнинг келгуси давр фаолиятига ва молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи юзага келадиган рискларни олдини олиш ва камайтириш имкониятини пасайтириши мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

president.uz (2024) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 20 августдаги мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/7481>.

Бозоров, Р. (2020). Микрокредитбанк молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили. Экономика и инновационные технологии, (3), 1-8.

Бозоров, Р. (2024). АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БАНКОВ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ЭФФЕКТИВНОЙ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ БАНКА ICBC). Экономическое развитие и анализ, 2(7), 261–269. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48789>

Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., (2018) Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. М.: Магистр.

Гадоев С.Ж. (2024) Ўзбекистонда кредит механизмининг методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзил. дисс. автореф. – Т.: – 32 б.

Избосаров Б.Б. (2019) Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. – Тошкент, 2-сон. март-апрель, 2019. 8-12 б.

Корнев Р. ва бошқалар (2024) банковские рейтинги «Эксперт РА». Прогноз банковского кредитования на 2024 год: сдержанный рост. https://raexpert.ru/researches/banks/bank_credit_forecast_2024.

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”ги ПҚ-3066-сонли, 2017 йил 16 июн.

Литун О.Н. (2002) Стратегия банковской реструктуризации: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук, - СПб., с. 134-135ю

Махмудов Р.Ҳ. (2024) Тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзил. дисс. автореф. – Тошкент – 32 б

Низом (2015) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Норов А.Р. (2020) Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзил. дисс. автореф. – Т.: – 26 б.

Саттаров О.Б. (2018) Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.: -14 б.